# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**
*А. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дустназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.**
**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналга келген мақалаларга жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланган мақалалардан алынган үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилиуи шәрт. Журналга 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыуматларга автор жууапкер.*

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**Рахмонов А.Р.** Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ... 4
**Шерматов М.Н.** Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик ... 7
**Якубова М.Ю.** Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш ... 11
**Байметов М.М.** Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари ... 14
**Балтабоев С. А., Сатторов В.Н.** Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ... 18
**Караев В.Ш., Маматқулова З.С.** Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш ... 21
**Сайидова М.Х.** Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили ... 25
**Нурматов Ф.А.** Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари ... 30
**Турсунов А.Э.** Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари ... 32
**Халмухамедова М.А.** Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш ... 36
**Хамидов Ж.А.** Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш ... 39
**Чориев И.Р.** Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации ... 44

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х.** Тўгарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан ... 48

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

**Абдуллаева М.С.** Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни ... 52
**Лухманов Д.Б.** Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўгаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш ... 56

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Шермухамедов Р.С.** "Баркамол авлод" болалар мактабларида тўгараклар фаолиятини ташкил этишнинг иновацион технологиялари ... 62
**Юсупбаева А.С.** Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ... 67

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Sultonov Z.S.** Maktabda jismoniy tarbiya darslarini oʻtkazish xususiyatlari ........ 72
**Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р.** Ғолиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди руҳий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги ........ 75
**Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н.** Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида ........ 80
**Болтаев Ш.Э.** Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш ........ 87
**Худойберганов Ж.С.** Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш ........ 92
**Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А.** Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш ........ 95
**Зокиров У.М., Абдуназарова З.А.** Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш ........ 100
**Зокиров У.М., Назаров Ф.И.** Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ........ 103
**Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А.** Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари ........ 106
**Одилов О.Н.** Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият ........ 110
**Султонов А.И.** Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш ........ 114
**Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А.** Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш .. 118
**Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д.** Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти ........ 122
**Шадиев А.Ё.** Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш ........ 125
**Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М.** Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув ........ 128
**Зуфаров Т.У.** Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста ........ 132
**Маматкулов Р.С.** Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений ........ 136
**Маматкулов Р.С.** Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики ........ 140

Хулоса. Олий таълим муассасаларида фақат мутахассислик дарсларини олиб бориш билан чекланиб қолмасдан, спорт ўйинлари, мини футбол бўйича олий ўқув юртлари ўртасида ўртоқлик ва расмий мусобақаларни ташкил этиш, талабаларга спорт ўйинлари, мини футбол мусобақа қоидаларини мунтазам ўргатиб бориш ва мусобақаларда ҳакамлик қилишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Талабаларни гуруҳлар, факультетлар ўртасида бўладиган мусобақаларда ҳақамлик қилишга ўргатиш, талабаларда спорт турларига ва мусобақа қоидаларига қизиқишни оширади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019-йил, 4-декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичига олиб чиқиш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сонли Фармони.

2. FIFA футзал., Ўйин қоидалари., Международная Федерация Футбольных Ассоциаций., 2021-2021 йил.

3. Хабибуллаев С.Х., Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш., ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL SCIENCES., Volume 1, Issue 3, 2020 Ноябрь., 1150-1156- бетлар.

4. Хабибуллаев С. Х. (2020). Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Муғаллим., №6, 143-146 бетлар.

5. Хабибуллаев С.Х. (2020). Умумий ўрта таълим мактабларида спорт тўгаракларини ташкил этишнинг самарали усули. Мактаб ва ҳаёт, №2, 23-25.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мини футбол мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказишда муҳим бўлган мусобақа ўйин қоидалари юзасидан анкета сўровномаси ўтказилиб берилган нотўғри саволларга асосли тўғри маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлена точная информация, основанная на неправильных вопросах анкетного опроса о правилах игры, которые важны при организации и проведении соревнований по мини-футболу.

SUMMARY

This article provides accurate information based on incorrect questionnaire questions about the rules of the game, which are important in organizing and running futsal competitions.

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТЕЗКОР-КУЧ СИФАТЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ

***Шадиев А.Ё.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*“Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети “Жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси*

**Tayanch so’zlar:** билим, кўникма, малака, тезкорлик, куч, тактика, инерция.

**Ключевые слова:** знания, умения, навыки, быстрота, сила, тактика, инерция.

**Key words:** knowledge, skills, qualifications, agility, strength, tactics, inertia.

Республикамизда охирги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни

спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш вазифалари белгилаб қўйилган.

Таълим тизимида умумий ўрта таълим асосий буғин сифатида мухим ўрин тутади. Бу умумий ўрта таълим муассасаларида жисмоний тарбия, спорт соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, таълим олаётган ўқувчи ёшларнинг спорт турларига қизиқишини ошириш, билимли кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш давр талабига айланиб бормокда.

Шу мақсадда илмий-тадқиқотлар маълумотларига кўра, мактаб ўқувчиларида тезкор-куч машқларини мувофиқлаштирувчи ҳаракат фаолиятларини тез эгаллайдилар.

Катта ёшдаги болалар жисмоний тайёргарлигининг ўсиши, ҳаракат техникасининг эгалланиши мактаб ўкитувчиларининг ўкув-тарбиявий ишлари ва жисмоний тарбиядаги ҳаракатларнинг асосий турлари бўйича ўргатиш қандай йўлга қўйилганлигига ҳамда ўқувчилар томонидан қайси даражада ўзлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

Ушбу масалаларни тўлақонли амалда бажарилишини кўзлаб, жисмоний тарбия бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чикилиб, амалиётга татбик этилмокда. Ушбу стандарт умумий ўрта таълим мактаблари тизимидаги ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни, тезкор-куч машклари асосида қўйиладиган асосий талабларни билгилаб бериши лозим.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига ҳар бир алоҳида дарс ва машғулот доирасида оптимал изчилликда ўтказиладиган машғулот ва машқларни танлаш учун хар хил характердаги юкламаларнинг яқин орадаги таъсирини ҳисобга олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу нарса аникланганки, тезкор-куч характердан юклама кўпрок кучлиликни талаб қиладиган юкламалар учун қулай физиологик ҳолатларни яратди. Тезкорлик характеридан юкламага эга бўлган машкни куч сарфлаш характеридан юкламага эга бўлган машк билан биргалик кўшиб яхши бажарилиши хам аникланган шу билан бирга, маълум шароитларда яъни куч талаб қиладиган машқдан сунг тезкор-куч характеридаги машк бажариладиган, шунингдек, бунинг аксича бўлган машк изчилликда бажариладиган, бу машклар ижобий таъсир этиши мумкин.

Жисмоний тарбия дарсларида тезкор-куч машқларини меъёрлашда ҳозирги замон талабларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жисмоний машқлар орқали бериладиган машқлар юкламаси ўқувчилар организмига мос бўлиши ўз навбатида соғломлаштириш вазифасини хал қилиб, жисмоний тайёргарлик даражасининг юқори самарадорликка эришишга олиб келади.

Л.П.Матвеевнинг фикрича, юклама томонларининг ёки бу кўрсаткичлари жисмоний тарбия жараёнида юкламани баҳолаш ва уни бошқаришда ишлатилади. Юклама ташқи томоннинг ўлчамлари хажми зарурий бўлган ҳолларда чамаланади ҳамда организмнинг жавоб реакциясига қараб меъёрланади.

Спорт амалиёти ва услубий адабиётларда куч ва тезкорлик каби ҳаракат сифатларига катта аҳамият каратилади. Бу сифатлар айникса, спорт натижаларини баҳолаш

тизимига эга бўлган спорт турларида (кг,м,сек) яққол намоён бўлади. Сўнгги йилларда бу сифатларнинг аҳамияти ҳаракатланиш санъати билан боғлиқ бўлган спорт турларида анча ортиб бормоқда. Спорт ўйинларида, хусусан футбол эса спортчи тўпнинг оғирлиги билан тўқнашади. Шу сабабли у ўз кучини асосан шахсий вазни ва тўпнинг инерциясини енгиб ўтиш учун ишлатилади. Ҳаракатнинг бошланиши, тезланиш, тўхташ, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, сакраш, тўпга зарба бериш-мана шу ҳаракатларда футболчи ўз кучини намоён қилади.

Кўриниб турибдики, ҳамма ҳолларда у динамикавий хусусиятга эга. Асосан, ўйин пайтида футболчилар тезкор-куч сифатларини, яъни куч ва тезкорликнинг комплекс уйғунлашувини намоён қиладилар. Футболчиларнинг тезкор-куч сифатлари уларнинг минимал вақт ичида қандайдир куч қаршилиги билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни бажара олиш қобилятлари орқали аниқланади. Бундай куч қаршиликларига қуйидагилар киради:

А) спортчининг ўзининг гавда оғирлиги кучини енгиб ўтиш (оёқлар ва бош билан сакраб тўпга зарба бериш, отилиб ва юмалаб тўпни олиб қўйиш, дарвозабонларнинг сакрашлари кескин старт олиш ва ўйин пайтида йўналишни ўзгартиришг ва ҳ.к.);

Б) тўпга зарба бериш, тўпни отиб бериш билан боғлиқ бўлган кучни енгиб ўтиш;

В) рақибнинг кучли қаршилигидан яккама-якка курашишдан) ҳосил бўладиган кучни енгиб ўтиш.

Кўпгина тадқиқотчилар (В.Ш.Дъечков, Ю.В.Верхошанский) спортчининг тезкор-куч ва техник тайёргарлиги ўртасида узвий боғлиқлик борлигини таъкидлаб ўтганлар.

Ю.А.Морозов буюк футболчилардан бири С.Метревелининг ўйинини таҳлил қила туриб шуни таъкидлайдики, унинг ўйинининг тезкор-куч ҳаракатлари ташкил этади, яъни қўққисдан спорт максимал тезликда ҳаракат йўналишини эркин ўзгартириш, юқоридан келган тўп учун курашда баланд сакраш ва ҳ.к. Футболчилар томонидан ўйин жараёнида бажариладиган турли хил ҳаракатланишлар спортчидан нафакат ҳаракатларни тўғри бажаришни, балки ҳар томонлама жисмонан ривожланганликни (айниқса, биринчи навбатда, тезкор-куч тайёргарлигини) талаб қилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича ўйин пайтида футболчилар бажарадиган иш шиддати сустдан максималгача бўлади. Бош устига нагрузканинг (юкламанинг) асосий қисмини тезкор-куч хусусиятига эга бўлган иш ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрича жисмоний тайёргарлик ўйин техникаси ва тактикасини эгаллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мураккаб техник усулларни юқори тезликда рақибнинг қаршилиги остида бажариш учун эса кучли, чаққон ва чидамли бўлиш лозим. Шунинг учун юқори малакали футболчиларни тайёрлашда ташкилий-тренировка машғулотларида спортчиларнинг жисмоний ривожланишига алохида эътибор қаратиш зарур. Техник ва тактик усулларни муваффақиятли бажариш уларнинг бажарилиши тезлигига тўғридан-тўғри боғлиқ экан, тезкорлик ҳамда куч юқори малакали футболчининг зарур сифатларидан бири ҳисобланади.

Ўйинчилар орасидаги кенгайтирилган тактик алоқалар, асосан, узунасига бўлган йўналишда, футболчиларни ўйин шиддатини оширишга, тезкор маневрлар учун зарур тезликка эга бўлишга ҳамда звенолар ва чизиқларда қулай тактик алоқаларни (айниқса ҳужум якунида) ушлаб туришга ундайди. Кўпгина муаллифларнинг фикрича, футбол ўйини жисмоний тарбия, ривожланиш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун аъло восита ҳисобланади ва замонавий футболдаги нагрузкаларнинг асосий қисмини тезкор-куч хусусиятига эга бўлган ишлар ташкил этиши лозим.

Замонавий футболдаги манёвр олиб боришнинг юқори даражаси аниқ ва узоққа тўп узатишларни тақозо этади. Ҳозирги пайтда футболда тўп узатишлар кучли бўлиб бормокда ва ҳаттоки шериклар учун ҳам кутилмаганда бажарилмокда. Дарвозани

нишонга олиш пайтидаги зарбаларнинг кучи ҳам анча ортди, тезкорлик юқори даражага кўтарилди ва яна ошиши мумкин. Шунинг учун ҳозирда нафақат “техникаси” кучли спортчилар, балки юқори тезкорликда техникани эгаллаган футболчилар талаб этилади.

В.Б. Пашев тадқиқотларининг асосий мақсади юқори малакали футболчиларнинг тезкор-куч ва техник тайёргарликларининг баъзи кўрсаткичлари боғлиқликни аниқлашдан иборат бўлган. Муаллиф ўйинлар орасида ўтказилган назорат машқларидан фойдаланиб, тезкор-куч тайёргарлиги кўрсаткичлари ва тўпни эгаллаб туриш давомийлиги ўртасида корреляцион боғлиқлик борлигини аниқлаган.

Шундай қилиб юқоридагиларга хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, тезкор-куч сифатларини юқори даражада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўли билангина юқори спорт натижаларига эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт туғрисида”ги Қонуни Халқ сузи.- 2000. – 28 май.
3. Курбанов З.А.-Организация учебно-тренировочного процесса футболистов в условиях Узбекистана. (Учебное пособие), Ташкент, 2000.
4. Нуримов Р.И. - Совершенствование учебно-тренировочного процесса футболистов. Ташкент, 2001 г.
5. Нуримов Р.И. - Совершенствование тактических действий футболистов высокой квалификации. Ташкент, 2000 г.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тезкор ва тезкор-куч сифатларини текшириш ҳамда ёш футболчилар томонидан машғулотлар ҳамда расмий ўйинлар пайтида бажариладиган тезкорлик ишлари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлена информация о проверке скоростных и скоростно-силовых качеств, а также объемах скоростной работы, выполняемой юными игроками во время тренировок и официальных игр.

SUMMARY

In this article, we will examine the qualities of speed and speed-strength, as well as the volume of speed work performed by young players during training sessions and official games.

# ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИ ВОСИТАСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ

***Утепбергенов А.К.***

*Ажиниёз номидаги НДПИ «Жисмоний маданият» факултети декани, б.ф.н. доценти*

***Шукурллаев Ж.М.***

*ЧДПИ “Жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** акмеология, профессионаллик, юксалиш, саралаш, спорт, волейбол, ривожланиш, танлаш, машғулот, натижа, сифат.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 1/1

Нөкис — 2022

Басып шығыўға жууапкер:
*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:
*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 17.02.2022. Форматы 60x84 1/16
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро. 51